

НОДИРА АФОҚОВА

**XX АСР ЎЗБЕК
АДАБИЁТИДА РУБОИЙ
ВА ҚИТЪА**

«ФАН»

УЗБЕК
А-АВ

83.3(59)

A-89

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIIY VA ЎRTA
MAXSUS TA'LIIM VAZIRLIGI
BUKHORO DAVLAT UNIVERSITETI

НОДИРА АФОҚОВА

XX ASR ЎЗBEK AДАБИЁТИДА
РУБОУЙ ВА ҚИТЪА

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2005



407756

Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori _____	

XX аср бошларида миллий адабиётимиз янги тараққиёт босқичига қадам қўйди. Бу босқичда проза ва драма вужудга келди. Шериятнинг ички эволюцияси натижасида вазн ва жанрлар трансформацияси, янгиланиш жараёни кучайди. Ушбу рисолада ўтган аср бошларида рубойи ва қитъа жанри тараққиёти жадид адабиёти намуналари мисолида тадқиқ этилади. Анъана ва янгилик кесишган чорраҳада муайян жанрлар тадрижи қизиқарли илмий талқин қилинган. Рисола адабиёт ихлосмандларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори, профессор
Баҳодир САРИМСОҚОВ

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор Раҳим ВОҲИДОВ,
филология фанлари номзоди, доцент Гайрат МУРОДОВ

I SB № 5 – 648-03210-2 © Ўзбекистон Республикаси
ФА “Фан” нашриёти.
2005 йил

К И Р И Ш

Фард, рубойи, туюқ, қитъа, тўртлик сингари кичик жанрлар мумтоз шеъриятимизнинг салмоқли қисmini ташкил қилади. Бундан ташқари, турли йирик насрий ва назмий асарлар таркибида «байт», «маснавий», «назм» изоҳи остида берилган кичик шеърий парчалар ҳам ҳақли равишда кичик лирик жанр ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, кичик лирик жанрларнинг ўрганилиши адабиётшунослик ва бадий адабиёт тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги англашилади.

Миллий адабиётимиз тарихининг муайян даврларида кичик лирик жанрларнинг тараққиёти масаласи қатор олимларимиз томонидан атрофлича ўрганилган. Хўш, адабиётнинг икки катта босқичи рўбарў келиб қолган XX аср бошларида бу жанрлар тадрижи қай аҳволда бўлди? Шу давр адабиётининг етакчи кучлари бўлган жадид шоирлари бу жанрларга қандай муносабатда бўлдилар? Адабиётнинг янги тамойиллари шаклланаётган бир даврда бу жанрларда қандай ички ўзгаришлар жараёни кечди? Ушбу рисолада шу каби саволларга рубойи ва қитъа жанрлари мисолида жавоб ахтарилади.

Рисолада Абдулла Авлоний, Чўлпон, Сиддиқий-Ажзий, Қаримбек Қамий сингари жадид шоирлари томонидан яратилган қатор кичик лирик шеърларнинг жанри назарий асосларда тайин этилади, уларнинг вазни аниқланади, ғоявий-бадий таҳлили берилади; ушбу шеърларнинг жанрига оид мавжуд нашрий ҳағоларга муносабат билдирилади. Шу боис ушбу рисола мактаб ўқитувчилари, аспирант ва магистрантлар, талабалар ва ўқувчилар учун, умуман, бадий сўз сирларига қизиққан барча адабиёт ихлосмандлари учун муҳим қўлланма бўла олади, деган умиддамиз.

КИЧИК ЖАНРНИНГ КАТТА МУАММОЛАРИ

Замонавий адабиётшуносликда энг кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган жанрлардан бири рубойдир. Мунозараларнинг асосида «рубойи фақат арузда ёзиладими, ё бармоқдаги тўртликларни ҳам рубойи ҳисоблаш мумкинми?», «рубойи фақат ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараларида ёзиладими ёки арузнинг бошқа вазнларида ёзилган тўртликларни ҳам рубойи ҳисоблаш мумкинми?» қабилдаги икки савол ётади. Аслида, бу масалада очик баҳс-мунозаралар бўлган ҳам эмас, аммо конкрет олинган тўртлик жанрини тайин қилишда турли шеършуносларнинг ё у, ё бу тамойилга асосланишлари бу масала баҳсли эканлигидан далolat беради. Шу икки ёқламаликдан келиб чиқиб, айрим тўртликларнинг жанри турли адабиётшунослар томонидан турлича белгиланиб келинмоқда. Масала ечимида шеършунослар ўз-ўзидан икки гуруҳга ажраладилар: айримлар рубойи фақат арузда — ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараларида ёзилади, деб ҳисобласалар, иккинчи гуруҳ олимлар арузнинг бошқа вазнларида ёзилган тўртликларни ҳам, бармоқ вазнида ёзилган тўртликларни ҳам рубойи ҳисоблайдилар. Кичик лирик жанрлар юзасидан махсус изланишлар олиб борган проф. Р.Орзибеков эса туюқнинг хос вазнида ёзилган, аммо қофиясида тажнис мавжуд бўлмаган тўртликларни туюқ-рубойи деб ҳисоблайди¹. Ҳатто туркий тилда биринчилардан бўлиб шеърят назариясига оид махсус тадқиқот яратган Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг «Фуннун ул-балого»сида «рубойи» рукни остида келтирилган тўртликлар ҳам аслида туюқ ҳисобланиши лозим, чунки улар рамали мусаддаси маҳзуф/мақсур вазнида ёзилган².

¹ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. — Тошкент: 1976. — 60-61-бет.

² Ё.; Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фуннун ул-балого // Ўзбек тили ва адабиёти. — 2002. — 2-сон. — 77-90-бетлар.

Масала тарихига салгина қайтиб айтиш мумкинки, рубойи вазнлари масаласи аруз назариясининг муҳим қисмидир. Илмнинг шу соҳасини ёритмоқчи бўлган олим уни четлаб ўтиши мумкин эмас. Бунга туркий аруз назариясининг икки нодир намунаси бўлмиш «Мезон ул-авзон» ва «Мухтасар» далилдир. Бу икки асарда ҳам рубойининг ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараларида ёзилиши қайд этилади, бу шажаралар кўрсатиб берилади. Ҳатто Навоий форсий адабиётдаги Жомий тажрибасини такрорлаб рубойининг 24 вазнини кўрсатувчи олти рубойи ҳам ёзади. Аммо Бобур бу вазнлардаги чалкашликни кўрсатиб, «йигирма тўрт рубойи вазнида тўрт вазнда ғалат қилибдур»³ дейди. Фитратнинг фикрлари ҳам шунга яқин: «Араб-форс арузини чигатойчада ёзгон Навоий рубойи учун «ҳазаж» баҳрида 24 вазн борлигини сўйлайдир. Бироқ бу 24 вазн бир-бирига шунча ёқиндирки, Навоий ўзи ҳам мисолларни кўрсатганда аралаштириб юборадир»⁴.

Бизнингча, рубойини бошқа тўртликлардан ажратиб турадиган энг муҳим, бош хусусияти — ҳазаж баҳрининг 24 вазнида ёзилишидир. Ўнлаб хил тўртликлар орасидан айнан шу вазнларда ёзилганлари — рубойи, рамали мусаддаси маҳзуф/мақсурда ёзилганлари — туюқ, арузнинг бошқа вазнларида ёзилганлари қофияланишига қараб қитъа ёки маснавий, бармоқ вазнида ёзилганлари — тўртлик ҳисобланиши лозим. Умуман, ўтмиш адабиёти ҳақида, жумладан, аруздаги жанрлар ҳақида гапирганда традициядан келиб чиқин лозим. Ўрта асрлар поэтикаси шаклга эркин муносабат билан чиқина олмайди; унинг талаблари, тузилиши турли хил четга чиқишларга йўл қўймайди. Ўрта асрлар анъаналарига мурожаат қилмоқчи бўлган ижодкор, ё шу давр асарларини тадқиқ этмоқчи бўлган тадқиқотчи анъаналарга риоя қилишга мажбур. Албатта, бунда эволюцияни, ижодийликни инкор қилиб

³ Бобур. Бобуринома. — Тошкент: Юлдузча, 1989. — 155-бет.

⁴ Фитрат А. Адабиёт қондалари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1995. — 51-бет.

бўлмайди; аммо ҳар бир адабий ҳодисанинг бош хусусияти — шу ҳодисани барқарор сақлаб турган хусусиятни сақлаб қолиш шарт. Дейлик, ғазал албатта арузда ёзилади; рубоий матлум вазнларда ёзилади ва ҳ.к. Умуман олганда, ҳар қандай тўртликни — рубоий, банддаги мисралар сони иккита бўлса — маснавий, тўртта бўлса — мураббаъ; ҳар қандай шеърини парчани қитъа, тажниси тўртликни туюқ дейиш — бу сўзларни терминологик маънода эмас, луғавий маънода тушуниш натижасидир. Ваҳоланки, Абдулла Ориповнинг «Биринчи муҳаббатим» шеърини — мухаммас ёки «Мутелик изларлар феъли ёввождан» деб бошланувчи шеърини ғазал жанрига кирита олмаймиз. Ваҳоланки, рубоий, туюқ, қитъа жанрларига эркин ёндашадиган адабиётшунослар ҳам бу шеърларни мусаммат ёки ғазал деб ҳисобламайдилар⁵.

УСТОЗ ШОИРЛАРГА ЭРГАШИБ

Жадид шоирлари ижодида рубоийларнинг, умуман, кичик жанрдаги асарларнинг салмоғи унча катта эмас. Буни давр шеърятининг хусусияти деб қараймиз. Умуман, «Ўзбек адабиётининг ХУШ — XIX асрдаги вакиллари»нинг ҳар бири адабий мероси таркибида жуда кам, саноқли рубоийлар мавжуд⁶, бу давр шоирлари «рубоий ёки қитъаларда акс эттирилиши мумкин бўлган ҳодисалар ва улардан келиб чиқадиган ғоявий мазмунни бу жанрларнинг ўрнини боса оладиган бошқа янги, оригинал жанрларда, шеърини асарларда ифодалай бошладилар»⁷. Шунингдек, жадид шоирларининг ҳам адабиётдан кузатган мақсади шеърини талқиннинг кенглигига асосланган жанрларни талаб қилар эди. ғазаллар ҳажмининг кенгайганлиги, мусамматларнинг фаол қўлланиши шундан далolat беради. Шундай бўлишига қарамасдан, кичик жанрлар жадид шеърятидан бутунлай

⁵ Мисол учун қ.: Иброҳимов М. Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб топиши. — Т.: Фан, 1983. — 224 бет.

⁶ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. — 81-бет.

⁷ Ўша манба, 83-бет.

тушиб қолган эмас. Улар ҳам алоҳида ҳолда яратилди, ҳам сочма асарлар таркибига киритилди.

Рубоий — лириканинг мўъжаз жанрларидан бири бўлиб, дастлаб форс-тожик адабиётда фольклор таъсирида пайдо бўлди, кейинчалик туркий адабиётдан ҳам мустаҳкам ўрин олди.

Ўзбек адабиёти тарихида ХУШ — XIX асрлардан бошлаб рубоий жанридаги асарларнинг салмоғи бир қадар камайди⁸. Жадид шоирлари ҳам бу жанрга камдан-кам муурожаат қилдилар. Адабиётимиз тарихининг кейинги даврлари, хусусан, жадид адабиёти: «Бунда (рубоийда — Н.А.) ёзувчининг мақсади бир фикрни ҳам тасвирий образлар, ҳам мантиқий далиллар билан очиқ-равшан тасдиқлаш ёки рад этиш, бирон муҳим масалани жамоатчилик онига етказиш... Шунинг учун мафкура соҳасидаги курашларда бу турдаги асарлар катта ўрин тутиб келди (таъкид бизники - Н.А.)»⁹ қабилдаги мулоҳазаларни унчалик тасдиқламаганлиги ҳар бир жанрнинг тадрижи, истифода этилиш кўламига тарихий нуқтаи назардан қараш лозимлигини талаб этади.

Сиддиқий-Ажзийнинг қўйида таҳлилга тортилган икки форсча рубоийси XX асрбоши шеърятини ва мумтоз поэтика муносабатларининг ёрқин мисолидир.

Бу икки рубоий Сиддиқий-Ажзий «Танланган асарлар»ига «Тожиқча шеърлардан. Рубоий» рукни остида ўзбекча мазмуни илова қилинган ҳолда берилган.

Биринчи рубоий маърифатга тарғиб мавзуда:

Гуф-там ба/ хи-рад-ки: "Со/ хи-би ур-фо/ ни,
- - Y / Y - - Y / Y - - /

Мафъулу мафойилу мафойилун фаъ

Бин-мо-й / ра-хи на-жо/ та м аз но-до/ ни

- - Y / Y - - Y / Y - - /

⁸ Қ.: Ўша манба, 81-бет.

⁹ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. — Тошкент: Ўзфанакадеминшр, 1961. — 59-60-бетлар.

Мафъувлу мафойлу мафойлун фаъ

Гуф-то: «Ма / к(и) -таб, мак-таб/мак-таб, мак / таб
- - Y / Y - - / - - - / - -

Мафъувлу мафойлун мафъувлун фаъ

Бо-я -д(и) / хо- (о)н , хо-ни / хо-ни, хо / ни».
- - Y / Y - - / - - - / - -

Мафъувлу мафойлун мафъувлун фаъ

Рубой жанрининг мумтоз поэтикадаги талаблари асосида ёзилган бўлиб, дастлабки икки мисра ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи абтар, кейинги икки мисра эса ҳазажи мусаммани ахраби ахрами абтар вазнидадир.

Ажзийнинг иккинчи рубойиси ҳам ҳазажнинг ахраб шажарасида ёзилган бўлиб, жаҳолат ва хурфотни фош этишга қаратилган:

Зо-хид ту / са-ро по-(о) / ба ри-ё шу / да-и,
- - Y / Y - - Y / Y - - Y / Y -

Мафъувлу мафойлу мафойлу мафойлу фаал

Гум-но-м(и) / та-р аз ми-ё/ни мар-дум шу / да-и.
- - Y / Y - Y / Y - / Y - - Y / Y -

Мафъувлу мафойлун мафойлу фаал

О-ё ту / на-моз б(а)-аҳ / ри мар-дум бе / ку-ни,
- - Y / Y - Y - / Y - - Y / Y -

Мафъувлу мафойлун мафойлу фаал

Яш-ми та /ма-е ба чай/ би мар-дум шу / да-и.
- - Y / Y - Y -Y - - Y / Y -

Мафъувлу мафойлун мафойлу фаал

Рубойининг биринчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб, қолган уч мисраси эса ҳазажи мусаммани ахраби макбузи макфуфи ажабб вазнларида ёзилган.

«Танланган асарлар»да рубойларнинг мазмуни қуйидагича берилган:

1-рубой : «Урфон соҳиби ақлга мурожаат қилдим:

Менга нодонликдан қутулиш йўлини кўрсат

Деди: «Мақтаб, мактаб, мактаб, мактаб,

Ўқи, ўқи, ўқи, яна ўқи!»

Албатта, рубойий мазмуни бу парчада умуман акс этган. Аммо биринчи мисра салгина бошқачароқ шаклда келтирилиши лозим: «Ақлга мурожаат қилдимки, сен урфон соҳибсан...» Яъни, «соҳиби урфони» изофали бирикмаси бу ерда аниқловчи эмас, кесимдир. Шоир ақл - «соҳиби урфон» эканлиги сабабли ундан маслаҳат сўраяпти. Бу мисраларда сабаб-оқибат муносабати бор, нотўғри таржима эса мисралараро ана шундай каузал муносабатни йўққа чиқарган.

Иккинчи рубойий мазмуни таржимасида шоир томонидан қўлланган икки ажойиб муносабатдор образ (таносиб) акс этмай қолган.

Маълумки, Шарқ адабиётининг аксариyat намуналарида матнда зохир этган нарса билан матн ортидаги маъно ўртасида муайян масофа бор. Бу масофа китобхондан шу типдаги асарларни идрок этиш тажрибаси, маълум маънодаги интеллект, адабий-назарий билимларни талаб қилади. Асарнинг ички маъноларини англаган ана шундай китобхон туядиган эстетик завқ, ҳаяжон ижодкорнинг шу асарни яратган пайтидаги завқ, ҳаяжондан асло кам бўлмайди. Бу - китобхонга ҳам ижодкордан кам бўлмаган даражада насиб этадиган яратилган завқидир. Таъбир жоиз бўлса, Низомий, Румий, Деҳлавий, Жомий, Навоий, Бобур каби доҳий санъаткорларнинг асарлари бағрига жо этилган маъноларни англаш учун китобхон-ижодкор бўлиш талаб этилади. Бундай асарлар китобхондан фаоллиқни талаб қилади. Аслида ҳақиқий санъат асари ижодкор ва китобхон фаолиятининг, яқдллигининг ҳосиласидир. Шарқ адабиётини улуғвор этган жихатлардан бири ҳам ана шу, эҳтимол.

Ажзийнинг рубойиси ҳам тағматдаги маъноси - истифода этилган образларнинг ассоциация - «фикрлар чақирипмаси» (Шайхзода)га асосланганлиги билан қиммат касб этади.

«Танланган асарлар»да мазмун қуйидагича:

«Зоҳид, сен бошдан-оёгингача рийкорликка ботдинг,

Шўнинг учун кишилар ўртасида эътибордан қолипсан.
Ҳатто сен бировни баҳри учун намоз ўқиётганингда ҳам
икки қўзинг унлан тамаъ излайди”.

Рубойининг охириги икки мисрасида шоир “бахр” — уммон ва “яшм” — қимматбаҳо тош образларидан фойдаланган. Бу таносиб муслмонликка хос оммавий намоз манзарасини ва шу омма ичида макруҳ ният билан ибодат этаётган мунофиқ шахс тимсолини яратишда жуда қўл келган.

Маълумки, жамоа намозида омма чиндан ҳам тўлқинланиб турган денгизни эслатади. қимматбаҳо тош эса денгиз билан боғлиқ — у денгиз тубидан топиб чиқилади. Аммо, аёнки, улкан сувлик ичидан кичкинагина ноёб тошни топиш осон иш эмас.

“Жайб” сўзининг икки маъноси бор: а) чўнтак; б) ёқа. Дастлабки қарашда рубойда “жайб” сўзининг “чўнтак” маъноси назарда тутилганга ўхшаб кўринади, чунки қимматбаҳо тош чўнтакда бўлиши мумкин. Аммо ҳаётий манзара сўзнинг иккинчи маъносини тақозо қилади. Чунки намозга келган мусулмоннинг чўнтакда қимматбаҳо тош олиб юриши, биринчидан, мантиқдан узоқ. Иккинчидан, намоз ўқиб туриб чўнтакдаги яшмини излаб бўлмайди. Намоз ўқиётиб фақат кўз орқали “излаш” мумкин. Демак, яшм кўриниб турган ҳолда бўлиши лозим. Демак, бу ерда «жайб» сўзининг «ёқа» маъноси бўлиши керак.

Шеърда “яшм” — “қимматбаҳо тошдан қилинган тугма”, маъносиди. Намоз ўқийтиб бировнинг ёқасидаги ноёб тошдан қилинган тугмани кўз остига олиб — чуғлаб қўйиш эса мумкин. Минглаб одамлар ичидан алоҳида бир кишининг ёқасидаги қимматбаҳо тугмани излаб топиш “машаққати” денгиз тубидан дур топиб чиқиш машаққатига яқин. Кўринадикки, ҳам образдаги, ҳам манзарадаги ўткир ҳаётийлик, муносабатдорлик Ажзийнинг маҳоратидан далолат бериб турибди. Мунофиқ руҳоний образи оҳори поэтик топилма воситасида чизиб берилган.

Маълумки, бадиий таржимада вазн, қофия, талаблари билан асар оригиналидаги айрим образ, бадиий тасвир воситаларидан воз кечилиши, бошқаси билан алмаштирилиши мумкин. Биз фойдаланган наشرдаги таржима эса бадиий таржима эмас, балки татматн, матнинг ўзбекча мазмунидир. Бу ерда образлардан воз кечишнинг умуман ҳожати йўқ. Боз устига таржимадаги “сен бировнинг баҳри учун намоз ўқиётганингда” жумласи бирор маънога эга эмас.

Сиддиқий-Ажзийнинг диққатимизни жалб этган маънога эга эмас. мазмундор рубойисини — унинг асосий образлари, шоирнинг тасвир усулини сақлаб қолган ҳолда тахминан қуйидагича таржима қилиш мумкин:

То боштан-оёк риёга ботдинг, зоҳид,

Халклар чикибон, ўзни йўқотдинг, зоҳид.

Мардум пенгизи ичра ўқусанг-да намоз

Винятая за чоплинг, зохид.

Яшм тамағида кузла юлдин, 30-40-
Каримбек Камийнинг «Дилни обод айлангиз» тўпламида
учта рубой берилган. Биринчи рубойнинг тақтиъи
қўйилганча:

Йўқ-дах-р(е) / -да-бир-му-во / -фик-табъ-и / ҳа-риф /

Мафъуѣлун мафъувлу
фаул

мафыву /ти-пич-ку-шо /ѳ-лан-табъ-и / за-риф.

$$V/V - V/V - Y/Y$$

мафойлун мафойлу фаул

Мафъувлү мафойлун / мафойла / мафойла

[illegible]

Мәфәүүтү мафәйүл мафәйүл фаул

Ев-фо-й / па-зо-ел-ут / - ти-ав-ко-ти / ша-риф.

$$v/v - Y/Y - Y/Y$$

$-Y/Y - Y - Y - /$	$I - I - I - I$	мафойтун	мафоййтун	фаул
--------------------	-----------------	----------	-----------	------

Мафувлү мафойлун мафойлү
1 мафр: узакжи мусаммани ахраби ахтам;

2-, 4-мисралар: ҳазаж мусаммани аҳраби мақбузи
мақфуфи ахтам;

3-мисра: ҳазажи мусаммани ахраби аҳтам.

Вазн талаби билан 4-мисрадаги «зое» сўзини напсрадагидек «зоеъ» шаклида эмас, «айн»сиз чоғ этиш керак, чунки «-е» ҳижоси қисқа ўқишни тақозо қилади. Рубойида шоирнинг замондан, замондошлардан шикоят ифода этилган.

Яна бир рубой муножот характеридадир. Рубой конкрет ҳаётӣй воқеа муносабати билан ёзилган бўлиши керак, «Бир мушқил ишим тушибдир» жумласи шундан далолат беради. Шоир ана шу мушқилни осон этишни Аллоҳдан илтижо қилиб сўрайди. Рубой қуйидагича тақтиъ қилинади:

Ял-до-ке /-ча-син-шамъ-и /ша-бис-тон эт /-ган /

- - Y/ - - Y / Y - - / -

Мафъувлу мафойилу мафойилун фаъ

Бир-ке-ча /-да-о-лам-ни /гу-лис-то-н эт/ган.

- - Y /Y - - Y /Y - - / -

Мафъувлу мафойилу мафойилун фаъ

Бир-муш-ки /-л и-шим-ту-шиб /-ди-р о-сон-эт /-гил /

- - Y /Y - - Y - / Y - - / -

Мафъувлу мафойилун мафойилун фаъ

Эй-бар-ча /-ни -муш-ки-ли /-ни-о-сон-эт /-ган.

- - Y/Y - Y - /Y - - / -

Мафъувлу мафойилун мафойилун фаъ

1-, 2-мисралар: ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи абтарда;

3-4-мисралар: ҳазажи мусаммани ахраби макбузи абтардадир.

Юқорида таҳлилга тортилган рубойлар XX аср бошларида ҳам рубойӣ яратишда мумтоз поэтикадаги талабларга риоя этилганлиги, жадид шоирлари бадий тасвир бобида классик адиблар анъаналарини давом эттирганликларини кўрсатиб турибди.

РУБОЙИ ДЕСА БЎЛАДИМИ?

«Дилни обод айлангиз...» тўпламида «Рубойлар» рукни остида берилган яна бир тўртлиқ эса рамали мусаддаси маҳзуф вазнида:

Ҳар-ки-ши-да /ил-му-санъ-ат /бо-р-дур /

Бах-ту-дав-лат /ул-ки-ши-га /ё-р-дур.

Бўл-са-гар-ил /-му-ҳу-нар-дин /хо-ли-ул /

Ик-ки-дун-ё /-да-би-линг-ким /хо-р-дур.

- Y - - /- Y - - / - Y -

Фоилотун фоилотун фоилун

Мумтоз поэтикага кўра қофияда тажнис мавжуд-мавжудмаслигидан қатъи назар рамали мусаддаси маҳзуф/мақсур вазнида ёзилган тўртлиқларнинг жанри туюқ деб белгиланиши лозим. Бу масалада замонавий адабиётшуносликнинг мумтоз адабиёт назарияси билан шуғулланувчи намояндалари ҳам яқдидирлар¹⁰. Биз ҳам бу масалада шу тамойилни қўллаб-қувватлаган ҳолда, юқоридаги тўртлиқнинг ҳам «Рубойӣ» рукни остида берилишини нотўғри деб ҳисоблаймиз. Қамийнинг ушбу тўртлиги жанри – туюқдир.

Агар туюқ жанрига Шарқнинг улкан назарийчилари томонидан кўрсатиб берилган юқоридаги тамойил асосида ёндашилса, адабиётимиз тарихида, шунингдек, жадид шоирлари адабий меросида ҳам туюқ жанрида ёзилган асарлар оз эмаслиги аёнлашади.

Ш.Аҳмедов «Ҳамза лирикасининг хусусиятлари» мавзуидаги номзодлик диссертацияси¹¹да «Девони Нихоний»да бўлмаса-да, Ҳамза рубойлар ёзган экан»,-деб қайд этади-да, қуйидаги икки шеърни келтиради:

1-тўртлиқ:

¹⁰ Ё.: Фират А. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 51-52-бетлар; Ҳожиаҳмедов А. Матн масъулияти // Шарқ йодузи. – 1988. – 12-сон. – 197-200-бетлар.

¹¹ Аҳмедов Ш. Ҳамза лирикасининг хусусиятлари: Фил. фанл. номз. ... дисс. – Тошкент, 1992.

Сен ул сайёдим, илқингда боғланмиш танобим вор,
Қачон бисмил эдарсан жисми руҳ ила жавобим вор.
Қўзим қонига раҳм этсанг қўшин торт тийри ёйингдин,
Юрай жавлон этиб гулзори хуснингда савобим вор¹².
Ҳазажи мусаммани солим

2-тўртлик:

Бу кун дил наҳрида бошқа ҳаётинг шавқи бирёндир,
Қамоли завқдин дарду ғамингни тавқи гирёндур.
Ражаб «ёз» эрди осори муҳаббатдан нишон эрдим,
Сафои айши таърихим «Умар боғида» пинҳондур¹³.

Ҳазажи мусаммани солим

Биринчи тўртликка муаллифнинг ўзи тарафидан: «1914 йил 15 мартлар эди, тошкентлик биродаримиз Бўронбой Ҳакимбой ўғлини Хўқандга келганида бир маҳбубига ёзилмиш бир очиқ мактуб орқасиндаги *рубойидур*»¹⁴, иккинчи тўртликка эса: «25 май чаҳоршанба 1914-ражабда муаллим Хўқандий Тошпўлот афанди била қўқон қўғонтеги маҳаллаларинда Ганжиравон маҳаллада коин мулла Умар боғларина боруб кечга қадар миллат дардида ҳасратлашуб келдүк. Онда қолдургон таърихи *рубойёдурким* (ҳар иккала курсив ҳам бизники — Н. А.), биринчи кўришувимизга сабабдур»¹⁵ деб изоҳ берилади. Ш. Аҳмедов ҳам, Ҳамза ТАТини нашрга тайёрлаганлар ҳам муаллифнинг ўз изоҳига асосан ушбу тўртликларнинг (ТАТга кирган бошқа тўртликларнинг ҳам) жанрини рубой деб белгилайдилар. Ваҳоланки, ҳар иккала тўртлик ҳам ҳазажи мусаммани солим вазнида (мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун) ёзилган бўлиб, уларнинг жанрини

¹² 15.: Ўша манба, 132-бет; Ҳамза. ТАТ. Беш томлик. II том. — Тошкент: Фан, 1988. — 99-бет.

¹³ Аҳмедов Ш. Ҳамза лирикасининг хусусиятлари: Фил. фан. номз. ... дисс. — 133-бет; Ҳамза. ТАТ. Беш томлик. II том. — Тошкент: Фан, 1988. — 101-бет.

¹⁴ Ҳамза. ТАТ. Беш томлик. II том. — Тошкент: Фан, 1988. — 488-бет.

¹⁵ Аҳмедов Ш. Ҳамза лирикасининг хусусиятлари: Фил. фан. номз. ... дисс. — 133-бет; Ҳамза. ТАТ. Беш томлик. II том. — Тошкент: Фан, 1988. — 489-бет.

қ и т ь а деб белгилаш лозим. Чунки «Ажам шоирлари I-, 2-, 4-мисралари қофияланган, 3-мисраси қофиясиз қолган, ҳазаж баҳрининг «ахраб ва ахрам» ритмларида ёзилган шеърларни рубой деб атайдилар. Агар *шеър кўрсатилган баҳрда ёзилмаса, уни рубойи эмас, балки қитъа дейдилар* (курсив бизники — Н.А.)¹⁶ Шоирнинг ўз қайдларига келадиган бўлсак, бунда икки ҳолатни: тарихий давр ва муайян шоирнинг ғоявий-эстетик позициясини ҳисобга олиш лозим. 1905 йилдан кейинги давр ўзбек шеърятини тарихий поэтика рамкаларининг кескин равишда ўзгара бошлаши давридир. Ҳар иккала тўртлик яратилган 1914 йил эса бу жараён тезлашган, мумтоз поэтика талабларини эътиборга олиш анча сусайган бир давр эди. Иккинчидан, бу жараённинг фаолларидан, ҳатто ташкилотчиларидан бири Ҳамза эди. Ҳамзанинг шеърятни янгилаш йўлидаги ҳаракатлари адабиётшуносларимизнинг чуқур ва асосли тадқиқлари орқали маълум. Тўртликнинг жанри хусусидаги қайдида ҳам, эҳтимолки, Ҳамзанинг муайян анъаналарга муносабати акс этган.

Бундан ташқари Ҳамза томонидан «Оқ гул» тўпламига ёзилган сўзбошида: «Бу дафъа қулоқ ноталари ила эшитилуб келган миллий ашулаларимизнинг ўз исмин айтиб кетув ила қаноатланмай, ўз оҳангида айтулган ўз шеърларидан-да бир *рубойи*син (курсив бизники — Н.А.) ёзуб ўтдик»¹⁷; «На кутурмиз бир ваҳшатлик асоратлар» дея шартли сарлавҳаланган шеърига берган изоҳида: «Намуна учун бир *рубойи* оҳанг ва бир *рубойи* (курсив бизники — Н.А.) авж учун ўз шеърдан ёзиб ўтамиз»¹⁸ сингари жумлаларни ўқиймиз. Бу ўринларда Ҳамза «рубойи» сўзини айнан луғавий маънода — «тўртлик» сўзига синоним тарзида қўллаганлиги кўриниб турибди. Бу Ҳамза ўз тўртликларига

¹⁶ Иқтибос ушбу манбадан олинди: Оразбеков Р. Лирикада кичик жанрлар. — 13-бет.

¹⁷ Ҳамза. ТАТ. Беш томлик. II том. — Тошкент: Фан, 1988. — 21-бет.

¹⁸ Ўша манба, 78-бет.

берган изоҳларида ҳам «рубойи» сўзини жанр маъносида эмас, «тўртлиқ» маъносида ишлатган, дейишга асос беради.

Шунинг учун адабий материални илмий-назарий нуқтаи назардан тадқиқ этишга киришган тадқиқотчи турли қайдлардан кўра масалага илмий ёндашув йўлидан бормоғи лозим.

ЭРКИНЛИКНИ СЕВГАН ШОИРЛАР

Бизнингча, жадид шоирлари ижодида рубойи, туюқдан кўра қитъаларнинг кўп учраши ҳам давр ва ижодкорларнинг анъанага муносабати билан боғлиқ. Маълумки, қитъада вазн ва ҳажм эркин. қитъа — мумтоз шеъриятда фаол истеъмолда бўлган жанрлардан бири. қитъада вазн ва ҳажмнинг чегараланмаганлиги ижодкорга муайян эркинлик беради. Бундан ташқари қитъада «мураккаб приёмлар, қочирма-киноялар, нозик-чигал муболага, имо-ишоралар ўрнини қўшишча бевоситаalik эгаллайди, объектни очик-равшан баҳолаш, воқеа-ҳодисани, жумладан иллат ва нуқсонларни ўз номи, ҳолати, даражаси билан аташ устунлик қилади. Шундан кўп қитъаларда танқид ҳам, дидактик мағз, фалсафий мазмун ҳам, ундов ва чақирув ҳам бўртиб юзага чиқади»¹⁹.

XX аср бошида қитъа жанрида энг самарали ижод қилган шоир Абдулла Авлонийдир. Шоирнинг «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўпламининг II жузига 4та шеър «қитъалар» рукни остида берилган. Бундан ташқари шоирнинг ҳар шеърий мажмуаси бошида берилган, «Туркий гулистон»га киритилган шеърий парчаларни ҳам қитъа деб белгилash мумкин. Бунга яна бир асос бор. «Туркий гулистон»нинг «Мупислик» фаслини яқунлаган:

Яхши дўст айби ёр-дўстини
Кўзгудек рўбарўсида сўзлар.

Ямон ўртоғ тароғча бинг тил ила
Орқадан бурмалаб тараб сўзлар²⁰,
шеъри «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар»нинг II жузида «қитъалар» рукни остида келтирилади. «Туркий гулистон»да шоир уни қитъа деб кўрсатмайди. Шеър бава тарзида қофияланган, ҳафифи мусаддаси маҳбунни мақтуъ вазнида ёзилган, фақат 3-мисранинг 3-рукнида «фоилотун»нинг «фаълун» зиҳофи «фаилун» зиҳофи билан алмашгани учун бу мисранинг вазни — ҳафифи мусаддаси маҳбунни маҳзуфдир. «қитъалар» рукни остидаги яна бир қитъа эса салгина ўзгаришлар билан «Туркий гулистон»нинг «Ватанни суймак» фаслини яқунлайди. «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар»да:

Маориф уйини болосидур ую Ватаним,
Фунун боғини раъносидур гулу чаманим.

Ғубора дўнса ғамим йўқ вужуда зири ваҳм,

Ғариб миллатимнинг хокидур гўру кафаним²¹.

«Туркий гулистон»да:

Ватан, Ватан дея жоним танимдан ўлса равон,
Банга на ғам, қолур авлодима ую Ватаним.

Ғубора дўнса ғамим йўқ вужуд зери ваҳм,

Чароки, ўз Ватаним хокидур гўру кафаним.

Туғуб ўсган ерим ушбу ватан вужудим хок,

Ўлурса аслина рожеъ бўлурму ман ғамнок²².

Икки шеър ҳажм (4 мисра ва 6 мисра), қофия (аба ва баваг) жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса-да, вазни бир хил (мужтасси мусаммани маҳбунни маҳзуф). Аммо ҳажм ва қофия тафовутидан қатъи назар, иккала шеър ҳам қитъа жанри талабларига жавоб бера олади. Демак, Авлоний аба қофияланишли шеърларни ҳам рубойининг маҳсус вазнида

²⁰ Авлоний А. Танланган асарлар. Икки жилдлик. II жилд. — Тошкент: Маънавият, 1998. — 124-бет.

²¹ Авлоний А. Танланган асарлар. Икки жилдлик. I жилд. — Тошкент: Маънавият, 1998. — 124-бет.

²² Авлоний А. Танланган асарлар. Икки жилдлик. II жилд. — 55-56-бетлар.

¹⁹ Абдуғафуров А. Шоир қитъалари/Ўзбекистон маданияти. — 1968. — 20 август.

ёзилмаган бўлса, қитъа деб ҳисоблаган ва бу тўғридир. Шунингдек, «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар»га киритилган тўрт қитъанинг иккитаси ааба, иккитаси бава тарзида; «Туркий гулистон»даги 24та тўрт мисрали қитъанинг 19таси ааба, 5таси бава тарзида қофияланган. Умуман, адабиётшуносликда, юқорида таъкидланганидек, тўрт мисрали қитъаларнинг икки хил қофияланиши (ааба ва бава) қайд этилган. Алишер Навоий ҳам «Маҳбуб ул-қулуб»га киритилган ааба қофияланишли, рубоий вазнларида ёзилмаган шеърларни қитъа деб белгилайди²³. аа қофияли байт билан бошланиш фақат тўрт мисрали қитъаларга хос ва «Ғиёс ул-луғот»да таъкидланганидек, рубоийнинг махсус вазнида ёзилмаган шеърларни рубоийдан фарқлаш учун қабул қилинган қоиладир. Чунки икки байтдан ортиқ аа қофияли байт билан бошланган шеърлар қитъа эмас, ғазал бўлади. Шунинг учун ҳам мавжуд таърифларда қитъа ба ва га... тарзида қофияланиши билан бирга, тўрт мисрали қитъалар ааба тарзида ҳам қофияланиши мумкинлигини таъкидлаш зарур. Бу яна — рубоий фақат махсус вазнда ёзилсагина рубоий ҳисобланади, деган қарашни мустаҳкамлайди. Ана шундан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, Ҳамза ижодидаги аксарият тўртликларнинг ҳам жанри қитъа эканлиги аёнлашади.

«Туркий гулистон»даги биз жанрини қитъа деб белгиллаган кўпгина шеърий парчалар жанрнинг классик талаблари асосида ёзилган. Аммо юқоридаги «Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон» шеърда қофияланиш ўзига хос. Худди шу шакл яна бир шеърда қўлланган:

Сабр ила ҳар мушкил иш зойил бўлур,

Сабр эдан мақсудина нойил бўлур.

Ҳар кишида бўлмаса сабри жамил,

Нафс қўйина юриб сойил бўлур.

Сабр қилсанг гўрадан ҳалво битар

Сабрсизлар ўз оёғидан йитар²⁴.

Эҳтимол, гғ қофияланишли икки мисра алоҳида фардир, деган тахминни ҳам илгари суриш мумкин, албатта. Аммо биринчи шеърдаги «хок» детал; иккинчи шеърда мавзунинг, дастлабки икки байтда намён бўлган тазод(сабри ва сабрсиз)нинг охириги икки мисрада мувофиқ равишдаги тадрижи уларни алоҳида шеърий парчалар деб қарашга монелик қилади. Демак, ҳар иккала шеър олти мисрали қитъадир. Бу ҳолат Авлоний жанрга ижодий ёндашган, дейишга асос беради; иккинчи тарафдан эса, бу икки шеърнинг белгилари қитъадан бошқасига тўғри келмайди. Шунингдек, Сидқий-Хондайлиқий ижодида ҳам қитъа жанри намуналари учрайди²⁵.

Чўлпон ҳам ажойиб қитъалар яратган. Чўлпон қитъаларини жанр хусусияти ва муаллифнинг жанрга оид қайдларига кўра қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин: а) шоир томонидан қитъа деб белгиланган ва жанр талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган; б) қитъа деб белгиланмаган, аммо жанрий хусусиятларига кўра қитъа ҳисобланадиган; в) қитъа ёки парча деб белгиланган, аммо жанр талаблари доирасида бўлмаган шеърлар.

«Қилич ва қон» биринчи гуруҳдаги ягона шеърдир (биз Чўлпон «Асарлар»ининг уч томлигига асосланамиз):

Қи-ли-ч (и)-қин / да-қол-ма-син / чиқ-син,

Ти (й)-ғи-га-тил / ла-рим-то-миз / син қон.

А-ма-лим қон /ли ти-ғи-ни / юв-син,

Қол-ма-син қон /ни сев-ма-ган / бир жон.

Фоилотун мафоилун фаълун

Ҳафифи мусаддаси маҳбуни мактуъ

Шеърнинг — вазндаги айрим сунъийликлардан қатъи назар — аруз вазнида ёзилганлиги, бава тартибида

²⁴ Авлоний А. Танланган асарлар. Икки жилдлик. II жилд. — 51-бет.

²⁵ Сидқий-Хондайлиқий. Танланган асарлар. — Тошкент: Матнавиёт, 1998. — 117-, 283-бетлар.

қофияланганлиги уни том маънодаги қитъа дейишга асос беради.

Б гуруҳига кирувчи шеърлар 5та. Улардан 4таси сарлавҳаланган, биттаси сарлавҳасиз.

«XX аср» қитъаси ҳафифи мусаддаси маҳбунни мақтуъ вазнида ёзилган. Шеърда Чўлпон инсоният тарихида чиндан ҳам мураккаб аср бўлган йигирманчи юз йилликнинг икки жиҳатини аср мутафаккирига хос улғу бир алам билан кўрсатади:

Бу эмиш: билги-фан, хунар асри,

Бу эмиш: юксалан башар асри.

Ҳодисот ўйла гўстарарки, бу аср

Ёлғиз: шар ва шар ва шар асри!..

Шоирда алам туғдирган нарса воқелик ва уни идрок этиш ўртасидаги зиддият; бу зиддият матнда «бу эмиш» (яъни «дейдилар», «ҳисоблайдилар» маъносида) ва «ҳодисот гўстарарки» сўзлари воситасида юзага чиққан. Яъни шундай дейдилару, аммо воқеалар кўрсатадики... Соф моддиончилик нуқтаи назаридан XX аср «билги-фан, хунар»; инсоннинг юксалиш асри. Аммо маънавий нуқтаи назаридан қараганда, воқелик буни аксини кўрсатаётир. Чўлпоннинг позицияси кейинги икки мисрада акс этган. У шоир сифатида — қалб, Рух соғломлигининг тарафдори сифатида ташқи воқелик остидаги инқирозни аён кўради; мутафаккир сифатида эса пиروвардида натижани ташқи воқелик эмас, бу воқеликнинг Инсон ва оламнинг барча жиҳатлари билан уйғунлиги белгилашидан огоҳ этаётгандай. «Шар» («ёмонлик») сўзининг такрори шундан далолат беради; айнан ана шу такрор шоирнинг позициясидан сигнал, белгидир.

«Баландликда» шеъри арузнинг ҳажаки мусаддаси аҳраби макфуфи маҳзуф (мафъувлу мафойилу фаувлун) вазнида, *баба* тарзида қофияланган. Тўртлик шоирнинг Ситораи Моҳи Хоса обидасидан хайрати ифода этилган шеърий фрагментдир. У барча хусусиятларига кўра қитъа ҳисобланади.

Сарлавҳаланмаган «Онам сени қутқармоқ учун...» деб бошланувчи қитъа эса ҳажаки мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф (мафъувлу мафойилу мафойилу фаулун) вазнида. *аааа* қофияланишли бу қитъада Батанга фидойи шахснинг икки кечинмалари ўз ифодасини толган. Шеърнинг 1922 йилда — «Октябрь қуёши» мадҳи баланд янғрай бошлаган бир даврда ёзилганини ҳисобга оладиган бўлсак, «Онам, сени *қутқармоқ* учун...», «Темур ила Чингиз» дейиш учун қанчалик катта жасорат кераклигини ҳис этиш қийин эмас. Фитрат бир пайтлар «иззат, шарафим, қалъаму аршимда тўлин ой» деб шарафлаган Батанга Чўлпон «жон, номус, виждон, имон ва қон»ини қурбон этишга тайёрлигини изҳор этади. Бу икки силсила ўзига хос масофали лаффу нашрни ҳосил этаётгандий...

«Яхши бор, устоз» сарлавҳали қитъа рамали мусаммани маҳзуфда (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун), *ааба* тартибда қофияланган, Максим Горький вафоти муносабати билан ёзилган. Ушбу тўртликда марсия мазмуни етакчи эмас; у муайян ўлим воқеаси турткисида ёзилган шеърий фрагмент, парчадир. Унда марсияга хос бўлган қайғу-андух руҳи устивор эмас, бу — Чўлпоннинг устоз руҳи олдидаги қасамёди, холос. Шунинг учун биз асарнинг жанрини марсия эмас, қитъа деб белгиланишини мақсадга мувофиқ билдик.

Чўлпон «Асарлар»ининг I жилдидан «қизлар дафтарига» деган учлик ҳам жой олган:

Кўнгил, тинмас кўнгил, энди етар, кўз тикма гулларга,

Гўзалдир, ёшдир ул гуллар... Фақат алданма унларга,

Ки, қизгонмас, кўнгил қўймас сенингдек оқ кўнгилларга...

Шеър ҳажаки мусаммани солимда (мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун), учала мисра ҳам ўзаро қофияланган. Сарлавҳа бу шеърнинг конкрет ҳаётий воқеа асосида ёзилганини, луғавий маънода қитъа, яъни шеърий парча эканлигини кўрсатиб турибди. Биз аруз поэтикасида бундай ҳолат қайд этилмагани, мумтоз адабиёт амалиётида

бундай шеър учрамаганлигини; аруздаги шеърлар бармоқдаги шеърлардан фарқли ўлароқ, албатта, муайян жанрга дахлдор этилишини ва мазкур учликнинг мазмуний-шаклий хусусиятларини ҳисобга олиб уни қитъа деб белгиладик.

ҚИТЪА - ШЕЪРИЙ ПАРЧА ЭМАС

Иккита шеърни Чўлпон «Парча» қайди остида эълон қилган. Улардан биттаси («Мақтадим, кўкка кўтардим сизни ман») рамали мусаддаси маҳзуф (фоилотун фоилотун фоилотун) вазнида, қофияланиши *аааа* тартибида. Шунинг учун бу шеърни туюқ деб ҳисоблаш асослироқ.

Иккинчи парча ҳафиф баҳрида:

Хар қадам йўлда минг хаго, янглиш,

Шу учун кўп керак эмас шошилиш.

Ўй керак, ўй керак, тушунча керак,

Хавфлидир чунки англамай юрмак.

Тўртгликнинг қофияланиш тартиби (*аабб*) уни қитъа деб эмас, маснавий деб белгиланиши тақозо қилади.

Аслида жуфт мисралари қофияланган тўртгликларни ҳам қитъа дейиш ҳоллари мавжуд²⁶.

Лирикада кичик жанрлар юзасидан махсус тадқиқот олиб борган профессор Р.Орзибеков эса шундай ёзди: «XVI –XIX асрларда қитъачиликдаги эски анъаналар давом эттирилиб, қитъанинг ғазал, туюқ, чистон, таърих ва маснавий формасида ёзилган намуналари ҳам яратилди. Шунинг учун, албатта шартли тарзда бўлса ҳам, XVI –XIX асрлар қитъачилигини а) ғазал-қитъалар; б) туюқ-қитъалар; в) таърих-қитъалар; г) маснавий-қитъалар; д) чистон-қитъалар; е) рубой қитъалар шаклида белгилаб ўрганиш мумкин»²⁷. Бизнингча, бу ерда айрим бахсталаб ўринлар бор. Туюқ ва рубойнинг шаклий жиҳатлари

²⁶ Иброҳимов М. Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб топиши. – Тошкент: Фан, 1983. – 126-бет.

²⁷ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – 30-бет.

мумтоз поэтикада қатъий белгиланган. Яъни рамали мусаддаси маҳзуф/ мақсур вазнида ёзилмаган тўртгликни туюқ, ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараларида ёзилмаган тўртгликни рубой деб бўлмайди, уни тўғридан-тўғри қитъа дейиш керак.

«Бадоеъ ус –санойъ»да Атоуллоҳ Хусайний «рубойиётда ҳам биринчи байтнинг мусарраъ (ўзаро қофияланган) бўлмоғин лозим кўруштурлар, анинг била ўзга парчалар орасида фарқ бўлмоғи учун» (244, 271), – деб алоҳида таъкидлайди.

Чистон – алоҳида жанр. Бизнингча, икки жанр хусусиятлари намоён бўлган жойда махсус шаклга эга бўлмаган жанр хусусиятлари етакчилик қилади, иккинчиси эса фақат шакл вазифасини бажаради. Шунга кўра, чистон-қитъаларда чистон – жанр, қитъа эса шаклдор. Алишер Навоийнинг ҳам ғазал шаклида ёзилган чистонлари «Хазойин ул-маоний»га «чистонлар» рукни остида киритилган.

Таърих – бадий санъат кўриниши²⁸. Бу бадий санъат турли жанрдаги асарлар ичида қўлланиши мумкин. Тавших бадий санъати ҳақида ҳам шундай деса бўлади, яъни мувашшаҳ – тавших санъати иштирак этган шеър – жанр бўла олмайди. Шунга кўра таърих-қитъа, таърих-ғазал, таърих-маснавий, шунингдек, мувашшаҳ-қитъа, мувашшаҳ-ғазал, мувашшаҳ-маснавий каби кўшалоқ атамаларни қўллаш мумкин. Бинобарин, таърих ёки тавших мавзун-мазмун кўлами, бадий-таърихий сфераси билан алоҳида жанр сифатида чегараланиб турмайди.

Шарқ мумтоз адабиётида қитъаларнинг маснавий шаклида қофияланиши ҳолати ҳам учрамайди. Агар яна ўзбек мумтоз лирикасининг монументал обидаси бўлмиш «Хазойин ул-маоний»га мурожаат қиладиган бўлсак, куллиётдан ўрин олган 210 қитъанинг бариси жанрнинг

²⁸ Хусайний А. Бадойиъ ус-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 23-224-бетлар.

классик талаблари асосида яратилганини кўриш мумкин. Шоир «Маҳбуб ул-қулуб»да эса жуфт қофияли бирор шеърий парчани «қитъа» деб қайд этмайди, бундай парчаларнинг барчаси «маснавий» руқни остида эълон қилинган. Шунинг учун ҳам аруз вазнидаги шеърларга анъанадан келиб чиқиб ёндашиш, шунга кўра жуфт қофияли шеърий парчаларнинг қитъа эмас, маснавий деб белгиланиши асослидир.

Чўлпоннинг яна бир шеъри «қитъа». Ўлимдан кучли» деган қайд остида эълон қилинган, шеър бармоқ вазнида ёзилган. Бармоқ вазнида ёзилган шеърни «Парча» руқни остида бериш Фитрат ва Ботунинг тўпламларида ҳам кузатилади²⁹. Терминни луғавий маънода ишлатиш баъзи адабиётшунослик тадқиқотларида ҳам учрайди. Чунончи, В.Гарбузова «мураббаъ» ва таржебанд» терминларини (бунда таржебанд» луғавий маънода, яъни маълум мисраси такрорланувчи шеър маъносида) синоним сифатида ишлатади³⁰. Бизнингча, бу каби ҳолатлар ёки шоирларнинг қайдидан қатъи назар, адабиётшунослик ишларида масалага соф илмий-назарий нуқтаи назардан ёндашмоқ, муайян асарнинг жанрини белгилашда адабиёт назарияси талабларидан келиб чиқмоқ лозим. Шунга кўра, бизнингча, бармоқ вазнидаги шеърга нисбатан қитъа терминини ишлатиб бўлмайди, чунки қитъа аруз вазнида ёзиладиган шеърдир. Чўлпон, Фитрат ва Боту «парча» деган сўзни «қитъа» терминининг эмас, «қитъа» сўзининг синоними сифатида қўллаганлар («қитъа» — арабча «парча, бўлак» демакдир). «Қитъа» ёки унинг синоними «парча» сўзи бу даврда терминологик маънода эмас, луғавий маънода истифода этилган. Шунинг учун шоирлар томонидан қайд этилган изоҳларга танқидий ёндашмоқ, юқоридаги сингари шеърлар жанрини тўртлик деб белгилamoқ лозим бўлади.

²⁹ Фитрат А. Чиг севиш. — Тошкент АСН, 1996. — 32-бет; Боту. Ёз кун. — Тошкент: АСН, 1980. — 46-бет.

³⁰ Қ.: Гарбузова В. Турк адабиёти классиклари. — Тошкент: ЎзССР Давлат Бадий адабиёт нашриёти, 1960. — 75-бет.

И.Ганиевнинг «Фитрат драмалари поэтикаси» мавзuidaги докторлик тадқиқотида 10-20-йилларда «трагедия» «фожиа», атамалари луғавий маънода, умуман «ўлим юз берадиган драматик асар» маъносида қўлланганлиги, шунинг учун 10-20-йилларда муаллиф томонидан «трагедия» изоҳи билан тақдим этилган ҳар қандай асар жанр талабларидан келиб чиқиб баҳоланиши ва жанри тайин этилиши лозимлиги таъкидланган. Ўша давр шеъриятида ҳам аҳвол шундай бўлди. Буни рубоий, қитъа жанрлари мисолида кўриб ўтдик. Шунинг учун XX аср бошида яратилган лирик асарлар жанрини ҳам муаллифларнинг қайдларидан қатъи назар илмий-назарий асосларда белгилash лозим бўлади.

Жадид шеъриятига мавзунинг кенг талқин этилиши ҳодисаси хос бўлганидан, унда кичик жанрларнинг салмоғи унча катта эмас; унда кичик лирик жанрлардан рубоий ва қитъа, қисман туюқ ва фард учрайди. Аммо рубоий ва қитъа терминлари бу давр ижодкорлари томонидан кўпроқ луғавий маънода истифода этилди. Бу муайян асарга муаллиф томонидан қўйилган жанр изоҳи ҳамиша ҳам ўзини оқлайбермаслигини, муайян тарихий даврдаги маълум асар жанрини тайин қилишда шу даврда ҳукм сурган тамойиллардан, жумладан, жадид шоирларининг аруздаги шеърлари жанрини белгилашда ўтмиш адабиётшунослигида қўлланган қоидалардан келиб чиқиб лозимлигини кўрсатади. Умуман олганда, турли тўртликлар жанрини тайин этишдаги ҳар хилликларга барҳам бериб, рубоий, туюқ, қитъа жанрлари шаклланган ва тадрижнинг юқори босқичларига кўтарилган давр адабиётшунослиги томонидан белгиланган тамойиллар асосида иш кўриш керак, бу тамойиллар эса, маълумки, вазн, қофияланиш тартиби, ҳажм кабилар билан боғлиқ. Аруз вазнида ёзилган лирик асарлар жанрини тайин қилишнинг мумтоз адабиётшунослик

томонидан белгилаб берилган, классик шоирларимиз ҳеч оғишмай амал қилган ва шу соҳанинг зукко билимдонлари бўлиши бугунги олимлар томонидан катта-кичик тадқиқ ишларида изчиллик билан илгари сурилаётган тамойиллари эътиборга олинishi, илмий тадқиқ ишларида шу асосда иш кўрилиши, адабиёт назариясига оид дарсликлар, қўлланмалар, луғатларда ҳам бир хиллик сақланишидан ташқари, мактабларда, олий ўқув юртиларида талабаларга жанр поэтикасига оид бериладиган сабоқлар, конкрет асарлар таҳлили мисолида амалиётга татбиқ этилиши лозим. Жадид шоирлари асарларининг мавжуд нашрларида ҳам жанрлар билан боғлиқ чалкашликлар мавжуд. Уларни юқоридаги тамойиллар асосида қайта кўриб чиқиш лозим.

Жадид шоирлари ижодида қитъалар нисбатан кўпроқ. Бу мазкур жанрнинг вазн ва ҳажм жиҳатдан нисбатан эркинлигидан келиб чиқади. қитъалар, айтинқса, Абдулла Авлоний ва Чўлпон ижодида салмоқли. Бу асарларнинг таҳлили Авлоний ва Чўлпон жанрга ижодий ёндашганлигини, уларнинг қитъаларида жанрнинг қатъий қоидаларига мос тушмайдиган ўринлар мавжудлигини кўрсатди ва шунинг учун уларнинг айрим шеърларини шартли равишда қитъа жанри доирасига киритдик.

Тўрт мисрали қитъанинг ааба қофияланишли шакли ҳам мавжудлиги Р.Орзибеков, Ё.Исҳоқов каби олимларнинг ишларида қайд этилган. Илмий тадқиқот ишларидаги муҳим назарий хулоса ва натижаларни амалиётга татбиқ этиш заруриятини ҳисобга олиб, қитъанинг ҳам ҳозирда мавжуд таърифлари тўлдирилиши лозим. Шунда кичик лирик асарлар жанрини белгилашдаги ҳар хилликларга ҳам барҳам бериш мумкин бўлади.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
КИЧИК ЖАНРНИНГ КАТТА МУАММОЛАРИ	4
УСТОЗ ШОИРЛАРГА ЭРГАШИБ	6
РУБОИЙ ДЕСА БЎЛАДИМИ?	13
ЭРКИНЛИКНИ СЕВГАН ШОИРЛАР	16
ҚИТЪА – ШЕЪРИЙ ПАРЧА ЭМАС	22

Рисола Бухоро давлат университетининг илмий техник кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Мухаррир: М.Содиқова

Нашриёт рақами: М-26 Босишга рухсат этилди 12.04.05. Қоғоз бичими 60x84 1/16 Офсет босма. Офсет қоғоз. Хисоб-нашриёт Т. 1,16 шартли босма т. 1,6. 41-бўртма. 500 нусада. Келишилган нархда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, академик Я.Ғуломов кўчаси, 70.

Босмахона манзили: Фан ва технологиялар марказининг босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171-уй.